

Отамнинг жадвали намоз ўқишимга сабабчи бўлди



17:00 / 13.08.2022 2546

Фарзандимиздан «Намоз ўқидингми?» деб сўрагандан кўра, бошқа услуб билан сўраш ўзгача бўлади. Жумладан, намозни нуқталар орқали белгилаш ва қанча нуқта йиғганига қараб мукофот берилади. Ушуб услубда фарзандларимиздан: «Мукофотга эришиш учун етарлича нуқта йиғдингми?» деб сўраб, намоз ўқишга ундаётган бўламиз. Шу услуб билан фарзандимиз иншаАллоҳ кўпроқ намоз ибодатига итоат қиладиган бўлади.

Йигитлардан бири айтади: «Ёшлигимда «Намоз ўқи» деган гапни ёмон кўрар эдим. Отам ишдан қайтадиган вақтларини қандайдир ёқимсиз ва кайфиятимни туширадиган вақт деб ҳисоблар эдим. Негаки, отам ҳар доим намозга қўпол йўл билан буюрар эдилар. Отамнинг бу ишлари менга хуш келмаётганини ҳис қилганларидан сўнг, улар мен учун бир жадвал

туздилар. Бу жадвал бир ҳафтадаги барча намозларни ўз ичига олар эди. Беш маҳал фарз, суннат, зуҳо, витр ва икки ракат бўлса ҳам қиёмул-лайл намозлари жамланган эди. Ҳар бир намозга биттадан босқич қилдилар. Масалан, фарз намози битта нуқта битта босқич, суннат намози битта нуқта битта босқич, витр намози битта нуқта битта босқич, намоздан кейинги дуолар битта нуқта битта босқич, қиёмул-лайл битта нуқта битта босқич, масжидда биринчи сафда ўқиш битта нуқта битта босқич. Нуқталарим бир ҳафтада юзтага етадиган бўлса, отам менга ўртача совға берар эдилар. Агар нуқталарим бир юз йигирма бештага чиқадиган бўлса, яхшироқ совға берар эдилар. Аммо агар нуқталарим бир юз элликтага чиқадиган бўлса, отам менга жуда катта совға берар эдилар. Бу фикр менга ёқди ва мукофот учун намозни тўлиқ ўқишга интилдим. Бу услуб ёш болалигимда қўлланган эди. Шу боис менинг қалбим намозга боғланди ва унинг ҳаловатини татидим. Отамни Аллоҳ раҳмат қилсин! Уларнинг вафотларидан сўнг, Аллоҳнинг раҳматини ва охиратда мукофотини олиш учун намоз ибодатини адо этмоқдаман! Аллоҳ мени қиёматда асраб, жаннатда Пайғамбарлар ва отам билан бир жойда жамлашини умид қилган ҳолда намоз ўқияпман. Аллоҳумма амин!

???	???? ?????	???? ????	????? ?????	???? ?????	???? ?????	?????- ????	????? 1-???
???????	?????						
	?????						
	???						
	???						
	?????						
???????	?????						
	?????						

???								
???								
??????								
?????????	??????							
	?????							
	???							
	???							
	??????							
?????????	??????							
	?????							
	???							
	???							
	X?????							
?????	??????							
	?????							
	???							

???								
X?????								
?????	?????							
	?????							
	???							
	???							
	X?????							
???????	?????							
	?????							
	???							
	???							
	X?????							

Ҳабибуллоҳ Ахмадовнинг «Намоз» китоби асосида

Хуршид Маъруф тайёрлади